



Проект

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 408-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида
QL-1208/22-2

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 408-моддасига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда; № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар) қуйидаги мазмундаги қўшимча киритилсин:

тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбошиси билан тўлдирилсин:

“Ўзини ўзи банд қилган шахсларга нисбатан белгиланган тўлов миқдорининг, агар тўлов рўйхатдан ўтган санадан ўн кун ичида амалга оширилса 30 фоиз чегирма ҳисобланади.”

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Ш. Мирзиёев